

8. Баронов В.И., Костюнина Г.М. Свободные экономические и офшорные зоны (экономико-правовые вопросы зарубежной и российской практики): Учебное пособие / - Москва :Магистр, НИЦ ИНФРА-М, 2016. - 560 с
9. Каримкулов Ж.И. Эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишини ривожлантириш ўйналишлари 08.00.07 – “Молия, нул муомаласи ва кредит” иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автограферати. Тошкент – 2019
10. worldbank.org/curated/en/688761571934946384/pdf/Doing-Business-2020-Comparing-Business-Regulation-in-190-Economies.pdf
- 11.<https://www.doingbusiness.org/content/dam/doingsBusiness/media/Annual-Reports/English/DB2018-Full-Report.pdf>
12. Жумаев Н.Х. Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрни нима учун керак?. <http://xs.uz/uzkr/post/ozbekistonning-khalqaro-rejtinglardagi-orni-nima-uchun-kerak>
13. Мустафакулов Ш.И. Инвестицион мұхит жозыбадорлығы: назария, методология ва амалиёт. Монография Тошкент. "Iqtisod-Moliya", 2011. 326-бет.
14. "Taraqqiyot Strategiyasi" марказы тақдикат натижалари асосида. www.strategy.uz
15. Анклав (лат. Inclavare – қалит билан құлғлаш, инг. enlave, фр. anclave) – бир давлатнинг барча тарафдан бошқа бир давлат (ёки бир нече давлаттар)нинг қуруқликдаги ҳудуди билан құршаб олинған ҳудуди (худудининг қисми). Анклавға масалан, Жанубий Африка Республикасы ҳудуди билан ҳар тарафлама құршаб олинған Лесото қироллиги, Франциядаги Шарқий Пиренея департаменти ичида жойлашган Испаниянинг Ливия шаҳарчаси киради. Агар бир давлат қуруқликдаги ҳудуди деңгиззә чиқиши ўюли мавжудларынан сабабли бошқа бир давлат ҳудуди билан қисман үраб олинған ҳолатда у ярим Анклав деб номланади. (Масалан, Зоир провинциясы бўлган Киншаса томонидан Анголадан ажralиб турадиган Кабинда округи). Манба: Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Р.А.Мұхитдинов ва бошқ. – Т.: Адолат, 2010. 24-бет
16. <https://mift.uz/uz/menu/svobodnye-ekonomicheskie-zony-uzbekistana-itogi-2020-goda-i-perspektivy-razvitiya-na-2021-god>
- 17.http://mineconomy.uz/uploads/Ozbekiston_Respublikasi_xalqaro_reytinglarda_amalga_oshirilgan.pdf
18. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалларни қисқартыриши вазирилгининг расмий маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди. Манба: <http://mineconomy.uz>
19. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирилги маълумотлари.



ЎЗБЕКИСТОНДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ СУГУРТАЛАШНИНГ ТАҲЛИЛИ

**Хошимов Сабир Муртазаевич -
ТМИ «Баҳолаш иши ва инвестициялар»
кафедраси катта ўқитувчиси**

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a18

Аннотация: Мақолада мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда мұхим аҳамиятга эга бўлган хорижий инвестициялар ва уларни сугурта воситасида ҳимоялаш механизми кўриб чиқилган. Шунингдек, инвестиция рисклари ва уларнинг таснифи, сугурта воситасида инвестиция рискларини бошқаришининг мазмуни келтирилган.

Асосий тушунчалар: инвестиция мұхити, хорижий инвестициялар, инвестиция рисклари, сугурта мукофотлари, инвестицияларни сугурталаш обьекти, инвестицияларни сугурталаш предмети, қайта сугурталаш, сугурта компаниялари.

АНАЛИЗ СТРАХОВАНИЯ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ

**Хошимов Сабир Муртазаевич -
Старший преподаватель кафедры
«Оценочное дело и инвестиции» ТФИ**

Аннотация: В статье рассмотрены иностранные инвестиции, имеющие важное значение в развитии экономики страны, и механизм их защиты посредством страхования. Также приведены инвестиционные риски и их классификация, сущность и содержание управления инвестиционными рисками в страховании.

Основные понятия: инвестиционный климат, иностранные инвестиции, инвестиционные риски, страховые премии, объект страхования инвестиций, предмет страхования инвестиций, перестрахование, страховые компании.

ANALYSIS OF FOREIGN INVESTMENT INSURANCE IN UZBEKISTAN

**Khoshimov Sabir Murtzaevich -
Senior lecturer of the department
«Valuation and Investments» TFI**

Annotation: The article examines foreign investments, which are important in the development of the country's economy, and the mechanism of their protection through insurance. Also given are investment risks and their classification, the nature and content of investment risk management in insurance.

Basic concepts: investment climate, foreign investments, investment risks, insurance premiums, investment insurance object, investment insurance subject, reinsurance, insurance companies.

Кириш. Жаҳондаги деярли барча йирик давлатлар ўз иқтисодиётларининг ривожланишида чет эл инвестицияларининг ролига катта аҳамият берадилар ва натижада уларни ҳимоя қилишга кучли эътибор қаратадилар. 21-аср бошларига келиб қулади инвестиция муҳитини яратишида, айниқса инвестицияларни самарали ҳимоя қилиш тизимида катта тажриба тўпланди. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 2021 йил 29 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожатномасида “Иқтисодиёт соҳасида олдимизда турган вазифалар ҳақида гапирганда, аввало, кенг қамровли иқтисодий ислоҳотлар негизида қуйидаги мақсадлар мужассам эканини қайд этиш лозим: иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришиш; инвестиция сиёсатини юритишида давлат иштирокини пасайтириб, хусусий ва тўғридан-тўғри инвестициялар улушкини ошириш; давлат номидан ташки қарз олиш камайтирилиб, инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларига кўпроқ хусусий капитал жалб этиш” - деб таъкидлаб ўтган[1].

Жаҳон иқтисодиётида COVID-19 пандемияси шароитида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кескин қисқариши кузатилди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 2020 йилда 40 %га камайиб, 2019 йилга нисбатан 1,54 трлн. долларга қисқариши башорат қилинган эди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 2021 йилда ҳам 5-10 % қисқариши ва фақатгина кўрсатгичларнинг 2022 йилдан тикланиши олдиндан айтиб ўтилди[2].

Миллий иқтисодиётнинг инвестицион жозибадорлиги мамлакатда қанчалик даражада қулай инвестиция муҳитининг яратилганлиги, чет эл инвесторларига берилган имтиёзлар ва преференциялар, айниқса хорижий инвесторларнинг барча бойликларининг кафолатли ҳимояланганлиги билан белгиланади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, замонавий ва илғор тажрибалар асосида хорижий инвестицияларни суғурталаш амалиётини такомиллаштириш ҳозирги долзарб вазифалардан бири, деб таъкидлаш мумкин.

Адабиётлар таҳлили. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг ўрни муҳим экан, хорижий инвестицияларни жалб қилишда мамлакатда яратилган қулай инвестиция муҳити асосий омил сифатида майдонга чиқади ва инвестиция муҳитини жозибадорлиги белгиловчи унсурлардан бири айнан инвестицияларни суғурталаш ҳисобланади. Ҳар қандай тадқиқотнинг асосий назарий жиҳатларини ўрганишда, унинг обьектининг иқтисодий моҳиятини аниқлашни талаб қиласди. Инвестицияларни суғурталашнинг иқтисо-

дий моҳиятига аниқлик киритишида дастлаб унинг бошқа тушунчалардан фарқ қиласди. Ўзига хос хусусиятларини очиш лозим. Шундай хусусиятлардан бири бу иккита “инвестиция” ва “суғурта” категориясининг ўзаро боғлиқлигидаги ҳаракатидир. Инвестицияларни суғурталаш тушунчаси бу умумий суғурталаш доирасида ҳосил бўлган йўналиш бўлиб, суғурта фондлари назарияси қамровида амалга оширилади. Инвестиция фаолияти эса инвестиция лойиҳалари доирасида амалга оширилиб, лойиҳа рисклари ҳам лойиҳаларни амалга ошириш босқичларида аниқланади.

Инвестицияларни суғурталашнинг иқтисодий моҳияти тўғрисида россиялик олимларнинг турли қарашларини таҳлил қилиш асосида улар орасидан уч турдаги ёндошувни ажратиб олиш мумкин. Биринчи ёндошувда инвестицияларни суғурталаш деганда хорижий инвестицияларни таъсир қилиши мумкин бўлган сиёсий рисклардан ҳимоялашни таъминлашга қаратилган суғурталаш тури сифатида тушуниш мумкин. Бундай ёндошув илмий тадқиқотчилар К.Е.Турбина ва О.В.Малковалар[3] илмий ишларида учрайди.

Иккинчи ёндошув С.А.Филин ва С.В.Ермасовларга[4] тегишли бўлиб, инвестицияларни суғурталаш – бу капитал қўйилмаларни таъсир қилиши мумкин бўлган инвестиция ва спекулятив рисклардан суғурта воситасида ҳимоялаш деб тушунилади.

Учинчи ёндошувда эса инвестицияларни суғурталаш - барча инвестиция турларини содир бўлиши мумкин бўлган турли рисклардан ҳимоялаш воситаси сифатида кўрилади. Бундай қараш Н.А.Кричевский ва Д.А.Волжанин илмий ишларида ўз аксини топган. Умуман олганда айрим тадқиқотчилар инвестицияларни суғурталашнинг иқтисодий моҳиятини очишида аввалимбор, унинг обьекти ва предметини аниқлаб олиш зарурлигини қайд қилишади. Масалан, Д.А.Волжанин инвестицияларни суғурталаш обьекти сифатида: “жисмоний ва юридик шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган, учинчи шахслар олдидаги жавобгарлик, мулк ва мулкий манфаатлар, соғлиқ, ҳаётни сақлаш билан боғлиқ қонуний манфаатлар”[5]ни санаб ўтади. Ушбу ёндошувга кўра инвестицияларни суғурталаш доирасида барча жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳар қандай мулкий манфаатларини суғурталаниши мумкинлиги тушунилади.

Л.С.Бородавко фикрича: «инвестицияларни суғурталаш обьектини аниқлашда фақат жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкий манфаатларига эмас, балки инвестиция фаолияти субектларининг мулкий манфаатларига эътибор қаратиш лозимлигини»[6] таъкидлайди.

Бунда инвестиция субектларига урғу берилишидан мақсад, ушбу суғурталаш турида суғурта қилдирувчиларга аниқлик киритилиб, шахслар сони чегараланади. Бир сўз билан айтганда, инвестицияларни суғурталаш обьекти сифатида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ инвестиция фаолияти субектлари мулкий манфаатлари тушунилади.

Ўз навбатида инвестицияларни суғурталашнинг предметига аниқлик киритадиган бўлсақ, юқоридаги фикр ва ёндошувлардан кўриниб турибдики, инвестицияларни суғурталашнинг предмети инвестиция фаолиятининг ўзи-дир. Бу масалада Н.А.Кричевскийнинг фикрича инвестицияларни суғурталаш предмети "...инвестиция фаолияти ва унинг барча кўринишлари" [7] деб тушунади. Бу масалада Л.С.Бородавко: "инвестицияларни суғурталашнинг предмети инвестиция фаолиятини амалга ошириш жараёнига жалб этилган моддий ва номоддий бойликлар"дан иборат эканлигини таъкидлаб, "инвестицияларни суғурталаш - инвестиция лойиҳалари рискларини амалга оширишда, суғурталанувчиларнинг тўлаган суғурта мукофотлари ва бошқа маблағлари ҳисобига ташкил этилган суғурта фондларидан инвестиция фаолияти субектлари мулкий манфаатларини ҳимоялаш муносабатлари" [8] деган таърифни беради.

Хорижий инвестицияларни суғурталаш масалалари Россиялик олимлар А.С.Загрядский, О.Н.Яцентюк, Р.И.Каюмов, О.В.Колесникова, Н.Ю.Кулешов ва Д.В.Юловнинг илмий ишларида ҳам кўриб чиқилган.

Тадқиқот методологияси. Мазкур мавзуни ёритишида абстракт-мантиқий фикрлаш, умумлаштириш, каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Дунёйи иқтисодиётидаги суғурта муносабатлари ёрдамида ички ва хориж капитал эгаларининг ўз инвестиция фаолиятларида юзага келиши мумкин бўлган рисклардан ҳимоялаш орқали уларнинг инвестицион фаолигини рафбатлантиришини таъминлашни амалга ошириш мумкин.

Хорижий инвестицияларни суғурталаш - хорижий инвесторлар манфаатларини ҳимоялашга қаратилган суғурта туридир. Натижада ушбу суғурталаш турининг асосий мақсади мамлакатга хорижий инвестицияларни жалб қилишдан иборатдир. Бу ўз навбатида инвестиция фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган рискларни олдиндан аниқлаш, таснифлаш, таҳлил қилиш ва уларни сифатли баҳолашни тақо-зо этади.

Шундай қилиб, рискларни таснифлаш билан шуғулланган биринчи олимлардан бири Дж. М. Кейнс эди. У бу масалага инвестиция фаолияти билан шуғулланувчи шахс томонидан

ёндашиб, рискларнинг учта асосий турини аниқлади [9]:

- тадбиркорлик риски – инвестициялашдан кутилаётган даромад олишнинг ноаниқлиги;

- "қарз берувчи" риски - кредитни қайтармаслик риски, шу жумладан хуқуқий риск (кредитни қайтаришдан бўйин товлаш) ва кредит риски (кам таъминланганлик)ни ҳам ўз ичига олади;

- пул бирлиги қийматининг ўзгариши риски - миллий пул бирлиги курсининг ўзгариши (бозор риски) натижасида пул маблағларини йўқотиш эҳтимоли.

Глобал миқёсда барча инвестиция рискларини 2 гурухга бўлиш мумкин:

- тизимли (умумиқтисодий, бозор билан боғлиқ) – инвестор бевосита таъсир қила олмайдиган ташқи омиллар билан боғлиқ бўлган рисклар;

- тизимли бўлмаган (тижорат) рисклар - инвестициялаш обьекти билан бевосита боғлиқ бўлган, яъни бошқарув ходимларининг ваколатидан бошлаб, то ушбу бозор сегментида ракобат билан тугайдиган рисклар.

Ҳалқаро амалиётни ўрганиш натижасида инвестиция рискларини келиб чиқиш сабабларига қараб қуидагиларга ажратиш мумкин:

- сиёсий рисклар - ташқи сиёсий вазиятга, мамлакат ичидағи вазиятга, давлат сиёсатининг ўзгариши билан боғлиқ рисклар;

- иқтисодий рисклар - муайян давлат иқтисодиётининг ҳолати, солиқ ва молия соҳасидаги сиёсатининг йўналишига боғлиқ бўлган рисклар;

- технологик рисклар - асосан ишлаб чиқариш корхоналари билан боғлиқ ва ускуналарнинг ишончлилиги, технологик жараёнларнинг мураккаблиги, инновацияларни жорий этиш билан боғлиқ рисклар;

- ижтимоий рисклар - инсон омили билан боғлиқ (муайян шахснинг ўз фаолияти давомида хатти-ҳаракатларини олдиндан айтиб бера олмаслик) ва жамиятдаги ижтимоий кескинлик (иш ташлашлар, турли ижтимоий дастурларни амалга ошириш ва бошқалар) рисклар;

- хуқуқий рисклар - янги қонунларнинг қабул қилиниши ёки мавжудларининг ўзгариши натижасида, шунингдек, суд жараёнларининг мустақиллиги бўлмаган тақдирда пайдо бўлади;

- экологик рисклар - иқлим шароити, эпидемиялар, зааркунандаларнинг тарқалиши, техноген авариялар ва атроф-муҳит ифлосланиши билан боғлиқ рисклар.

Жаҳон амалиётидаги умумэътироф этилган "инвестицион риск" атамаси капитал кўйилмаларнинг тўлиқ ёки қисман йўқотилиши ёки ҳақ

тўланмаслиги билан боғлиқ риск тушунчасини аниқлаш учун қўлланилади. Сирасини айтганда, бу тушунча капитал қўйилмаларни амалга ошириш билан боғлиқ рискларнинг барча турларни қамраб олади.

Ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти кутилмаган ҳолатлар билан боғлиқ экан, ушбу фаолиятда тадбиркор қобилиятининг даражаси сиёсий ва иқтисодий ҳолатлар ва унинг ўзгаришини олдиндан прогноз қилишга, лойиҳанинг молиявий қопланишини ҳисоб-китоб қилишга, ўз фаолиятида ҳамкорларни қандай танлашига, бозордаги ҳолатга қанчалик тезлик билан молияшишига ва самарали бошқарув қарорларини қабул қилишига боғлиқдир. Албатта тадбиркорлик фаолиятида барча кутилмаган ҳолатларни олдиндан кўриб ва ҳисоб-китоб қилиб бўлмайди, шунинг учун ҳам кўзланган фойдага эга бўлмаслик ёки зарар кўриш риски ҳар доим мавжуддир.

Шундай экан, суғурта соҳаси иқтисодиётининг ривожланишида муҳим тармоқлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда суғурта бозори шаклланган ва эндиғина ривожланиш босқичига қадам қўймоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожланишида хорижий инвестициялар муҳим аҳамият касб этар экан, хорижий инвесторлар инвестиция фаолиятини амалга оширишда асосан сиёсий ва тижорат рискларига дуч келади. Ўзбекистон Республикасига хорижий инвестицияларни фаоллик билан жалб этиш босқичида ватанимиздаги ва чет эллик мулкчиликнинг барча шаклларидағи инвесторларнинг Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётига йўналтираётган инвестицияларини, шунингдек, Ўзбекистон инвесторлари ва чет мамлакатлардаги экспортерларнинг иқтисодий манфаатларини суғурта йўли билан ҳимоя қилиш «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси асосий мақсади сифатида белгиланган. Ушбу компания бугунги кунда қурилиш-монтаж рискларини, мол-мулкни табиий оғатлардан ва бошқа рисклардан, умумий фуқаролик жавобгарлигини, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини, баҳтсиз ҳодисалардан, юкларни, экспорт операцияларини, импорт операцияларини ва бошқаларни суғурталашни амалга оширмоқда.

Бундан ташқари “Ўзбекинвест-интернешнл” компанияси хорижий инвесторларни инвестицияларини сиёсий рисклардан суғурталаш ва чет эл инвесторларига инвестицияларни

амалга ошириш бўйича ҳуқуқий ва бошқа маълумотлар тақдим қилиш юзасидан маслаҳатлар бериш бўйича кўп томонлама ёрдамни амалга оширади. Компания савдо шартномалари, лойиҳавий молиялаштириш, экспорт олди молиялаштириш ва инвестициялар бўйича суғурта қопламаларини тақдим этади. Компания қуидаги сиёсий рисклардан: конфискация, экспроприация ва миллийлаштириш, урушлар, фуқаролик ҳаракатлари, давлат органларининг мажбуриятларини бажармаслиги, экспорт/импорт эмбаргоси ва бошқаларни суғурталашни амалга оширади.

2013 йил 25 апрел ҳолатига 168 та суғурта шартномаси имзоланган бўлиб, савдо ва инвестицияларни жами суғурта суммаси 1,6 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган[10].

Республикамизда хорижий инвестицияларни суғурталаш механизми мавжуд бўлсада, ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Биринчидан, хорижий инвестицияларни суғурталашнинг илмий-назарий асосларининг етарли даражада ўрганилмаганлиги ва хорижий инвестицияларни суғурталашни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларида ҳам бўшлиқларнинг кўплиги.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 52 боби суғуртага бағишлиланган бўлиб, кодексда назарда тутилган суғуртага оид қоидалар хорижий инвестицияларни нотижорат рискларидан суғурталаш масалаларига татбиқ этилиши ёки этилмаслиги тўғрисида маълумот келтирилмаган[11]. Яъни кодексда келтирилган суғуртага оид қоидалар хорижий инвестицияларни нотижорат (сиёсий) рисклардан суғурталашга ҳам татбиқ этилиши белгиланиши керак. Фақатгина 2019 йил 25 декабрда қабул қилинган “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 50-моддасида инвестицияларни сиёсий ва бошқа таваккалчиликлардан суғурталаш халқаро ташкилотлар, чет эл агентликлари, бошқа суғурта компаниялари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкинлиги белгилаб ўтилган[12].

Иккинчидан, бугунги кунда суғурта компанияларининг капиталлашув даражасининг пастлиги, айнан хорижий инвестицияларни суғурталаш бўйича шундай суғурта маҳсулотининг йўқлиги, инвестиция рискларини баҳолаш масалаларида етук кадрлар етишмаслиги ҳам айни ҳақиқат. Фикрлар исботини қуидаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

1-жадвал

Суғурта компаниялари капиталлашуви ва хорижий инвестициялар хажми[13]

№	Кўрсатгичлар	Йиллар				
		2012	2014	2016	2018	2020
1.	Суғурта компаниялари капиталлашув даражаси ўсиши (млрд.сўм)	289,4	361,3	443,1	543,0	1439,2
2.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар (млрд.сўм)	3668,6	5489,4	2479,6	14040,0	64179,9

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимиз суғурта ташкilotларининг жами капитали йиллар давомида ўсиб борган бўлсада, ўз навбатида кириб келган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредит маблағлари миқдори ҳам ўсган. Масалан, 2012 йилда суғурта компаниялари жами капитали 289,4 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб, бу кўрсатгич 1,4 трлн. сўмни ташкил этган. 2020 йилда жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредит-

лар эса 64,2 трлн. сўмни ташкил этмоқда. Ўз-ўзидан суғурта компанияларининг молиявий салоҳияти хорижий инвестицияларга суғурта қопламаларини тақдим қилиш имкониятларини чегаралайди. Бу эса ўз навбатида миллий суғурта компанияларининг қоплай олмайдиган мажбуриятларининг катта қисмини хорижга қайта суғурталашга узатишига олиб келади. Натижада қайта суғурталаш бўйича суғурта мукофотларининг четга чиқиб кетиши юз бермоқда.

2-жадвал

Суғурта мукофотларининг ЯИМдаги салмоги[14].

№	Кўрсаткичлар	Йиллар				
		2016	2017	2018	2019	2020
1.	ЯИМ (млрд.сўм)	242 495,5	302536,8	406 648,5	510117,2	580 203,2
2.	Суғурта мукофотлари (млрд.сўм)	692,6	927,4	1 635,2	2313,9	2213,7
3.	ЯИМда суғурта мукофотларининг салмоги, %	0,28	0,31	0,40	0,45	0,38

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, суғурта мукофотларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 2020 йилда 0,38 %ни ташкил этган. Бу кўрсатгич ўз навбатида аҳоли ўртасида суғурта маданиятини пастлиги, суғурта соҳасида малакали кадрлар етишмовчилиги ва маълумотларнинг очиқ, шаффоф тақдим этилмаслиги, соҳани рақамлаштиришнинг зарурлиги, суғурталанувчиларнинг суғурта компанияларига бўлган ишонч даражаси, суғурта муносабатларига оид қонуний ҳужжатларни такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади. Бу борадаги кўрсаткичлар Фарбий Европа мамлакатларида 8,4 %ни, Шарқий Осиёда 6,2 %ни ташкил этади.

Хулоса ва таклифлар. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишда қулай инвестиция муҳитини яратиш, хусусан, хорижий инвестицияларни суғурта воситасида ҳимоялаш механизмини такомиллаштиришни талаб этади. Бунинг учун қуйидаги хулоса ва таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Хорижий инвестицияларни суғурталаш фаолиятига оид назарий қарашлар ва ёндошувларни қиёсий таҳлил қилиш асосида ривожланган давлатлар ҳамда МДҲ мамлакатлари олимларининг қараш ва ёндошувлари ўрганилди. Хорижий инвестицияларни суғурталаш бўйича хориж тажрибасини ўрганиш давомида кенг кўламда етарли даражада инвестицияларни суғурталашнинг назарий-хуқуқий асосларининг ишлаб чиқилмаганлиги аниқланди.

2. Инвестиция фаолиятини суғурталашнинг хуқуқий асосларини ривожлантириш нуқтаи-назаридан Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 52 бобида назарда тутилган суғуртага оид қоидалар хорижий инвестицияларни нотижорат рискларидан суғурталаш

масалалари татбиқ этилиши ёки этилмаслиги тўғрисида маълумот келтирилмаганлигини ҳисобга олиб, ушбу кодекснинг 52 бобига янги “Махсус суғурта турларини суғурталашда умумий қоидаларни қўллаш” моддасини киритиш мақсадга мувофиқдир.

3. Хорижий инвестицияларни суғурталаш соҳасида, айниқса суғурта компанияларида инвестиция рискларини баҳолаш ва бошқариш бўйича ишни ташкил қилишда миллий етук кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича дунёнинг нуфузли суғурта компанияларида амалиёт ўташини ва хорижнинг тажрибали мутахассисларини жалб қилган ҳолда мастер класслар ташкил этиш, Олий таълим муассасалари ўқув режаларига “Инвестицияларни суғурталаш” фанини киритиш ва ўқитишни ташкил этиш тавсия қилинади.

4. Мамлакатимизнинг суғурта фаолиятини тартибга солувчи ва назорат қилувчи органи ҳузурида “Инвестиция фаолиятини суғурталаш мониторинги” бўлимини ташкил этиш орқали инвестиция рискларини суғурталаш соҳасида хорижий инвесторларга шаффоф, очиқ маълумотлар базасини тақдим қилиш тавсия этилди.

5. Тадқиқот натижаларига асосан миллий суғурта компанияларининг капиталлашув даражасининг етарли эмаслиги йирик миқдордаги хорижий инвестицияларни суғурталашда молиявий имкониятларининг чекланганлиги, натижада мажбуриятларнинг бир қисми қайта суғурталашга чет эл суғурта ташкилотларига узатилиши кузатилмоқда. Шундан келиб чиқиб, юқори қийматли хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни суғурта пули (Insurans Pool) технологияси асосида суғурта компаниялари томонидан биргаликда суғурта қилиш таклиф қилинади.

6. Тадқиқот натижаларига кўра, суғурталовчиларнинг юқори капиталлашув даражасига эришишида, уларнинг суғурта қилдирувчилар олдидаги мажбуриятларини бажара олиш қобилиятининг ошишида, миллий суғурта компаниялари акцияларининг бир қисмини хорижий

нуфузли суғурта компанияларига сотиш орқали ҳамкорликда қўшма суғурта компанияларини ташкил қилиш таклиф этилади ва натижада суғурта компаниялари томонидан халқаро рейтинг агентликларининг рейтингларини олишларида муҳим омил бўлиб хизмат қиласди.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 29.12.2021й. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.
2. UNCTAD. Доклад о мировых инвестициях 2020 год.
3. Турбина К.Е. Инвестиционный процесс и страхование инвестиций от политических рисков / К. Е. Турбина. -М.: Анкил, 1995, Малкова О.В. Страхование в системе международных экономических отношений. Учебное пособие. Ростов-на-Дону. 2007г.
4. Филин С.А. Страхование инвестиционных рисков: Учебное пособие. - М.: ООО Фирма «Благовест-В», 2005, Страхование: учебник / С. В. Ермасов, Н. Б. Ермасова. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Высшее образование, 2008.
5. Волжсанин Да.Развитие страхования как инструмента управления инвестиционными рисками. Дис.канд. экон. наук. М.,2005 год. Ст.128.
6. Бородавко Л.С. К вопросу об экономической сущности страхования инвестиций. Известия ИГЭЯ. 2012 год. №1. Ст. 44.
7. Кричевский Н.А. Страхование инвестиций, М. 2006г.Ст.72.
8. Бородавко Л.С. Развитие страхования реальных инвестиций при реализации инвестиционных проектов. Автореферат.Иркутск, 2012г. Ст.19-20.
9. Кейнс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег. www.ek-lit.agava.Ru
10. «Ўзбекинвест» экспорт-импорт акциядорлик жамияти суғурта компанияси маълумотлари. 2021 йил.
11. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси. <https://lex.uz/docs/180552#195958>
12. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида” ги қонуни. <https://lex.uz/docs/4664142>
13. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган. 2021 йил.
14. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган. 2021 йил.



МАРКОВИЦ МОДЕЛИ БЎЙИЧА ИНВЕСТИЦИОН ПОРТФЕЛИНИ ШАКЛАНТИРИШ (КОРХОНАЛАР МИСОЛИДА)

Мирзаева Фотима Миррахимжоновна -
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
хузуридаги Фискал Институти таянч докторанти
Зокиржонов Мухаммадсадик Равшанбек ўғлы -
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси таянч докторанти

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a19

Аннотация. Мақолада Г.Марковицнинг инвестицион портфель моделини шакллантириш босқичлари кўриб чиқилган. Амалий Excel дастурий таъминоти орқали портфелнинг берилган даромадлилик даражасида рискини минималластириш бўйича таҳлил амалга оширилган. Шунингдек ушбу модельнинг афзаллик ва камчиликлари кўрсатиб ўтилган.

Калим сўзлар: инвестицион портфель модели, даромадлилик, риск, ўрта қиймат, стандарт четланиш, акция, ковариацион матрица.

ФОРМИРОВАНИЕ ИНВЕСТИЦИОННОГО ПОРТФЕЛЯ ПО МОДЕЛИ МАРКОВИЦА (НА ПРИМЕРЕ ПРЕДПРИЯТИЙ)

Мирзаева Фотима Миррахимжоновна -
Базовый докторант Фискального института при
Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан.
Зокиржонов Мухаммадсадик Равшанбек оғлы -
Базовый докторант Банковско-финансовой
академии Республики Узбекистан

Аннотация. В статье рассматриваются этапы формирование модели инвестиционного портфеля Г.Марковица. С помощью программного обеспечения Excel проанализирован минимизация уровня риска портфеля при заданном уровне доходности. Также приводятся преимущества и недостатки модели.

Ключевые слова: модель инвестиционного портфеля, доходность, риск, среднее значение, стандартное отклонение, акция, ковариационная матрица.